

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53409-3.20

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРИ
фанидан
ДАСТУР**

Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"

таълим соҳасидаги 5340900 - "Бухгалтерия

ҳисоби ва аудит" бакалавриат йўналиши учун

Тошкент - 2003

Тузувчилар: проф. Хасанов Б. А.,
к.ўқ. Ризаев Н. Қ.

Такризчилар: проф. Жўраев Н. Ю.,
доц. Маматов З. Т.

"Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари" (БҲХС) фанини талабаларга ўқитишнинг зарурияти шундаки, республикада бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва юритишни тақозо этмоқда.

"Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари" фани бўйича тузилган ушбу дастур Давлат таълим стандартлари қўйган барча талабларга жавоб беради.

Дастурда "Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари" фанининг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси, Давлат таълим стандартларига мувофиқ билим ва кўникмалар ҳажми, амалиёт ва семинар машғулоти бўйича ишларнинг минимал миқдори, компьютер ва инфор­мацион технологияларни қўллаш, фан дастури, тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўргазма-намойиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати, талабаларни рейтинг асосида баҳолаш бўйича ўзлаштиришнинг назорати ҳамда адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Необходимость преподавания дисциплины "Международные стандарты бухгалтерского учета" (МСБУ) заключается в отличительных особенностях организации и ведения бухгалтерского учета в нашей республике от международных стандартов.

Данная программа по предмету "Международные стандарты бухгалтерского учета" полностью отвечает на все поставленные требования. В ней отражены цель и задачи предмета, связь с остальными предметами, знания и навыки соответствующие СГО, минимальное количество семинаров и практических занятий, требования применению компьютеров и информационной техники, содержание лекционных и семинарских занятий, наглядно-показательные материалы по рекомендуемым темам, список учебных фильмов и других дидактических материалов, контроль успеваемости студентов по рейтинговой системе и список рекомендованной литературы.

The necessity of training of the students to the "International Accounting Standards" (IAS) consists of the organization of financial accounting in our republic according to the international standards that requires conducting this subject.

The created program of the "International Accounting Standards" (IAS) subject - completely answers all put requirements..

The purpose and task of a subject, communication with other subjects, knowledge and skills appropriate to the SSE (Standards of State Education), minimum quantity of seminars and practical employment, application of computers and technological information, program of the subject, seminar lessons, evident - indicative materials on recommended themes, the list of educational films and other materials, control of progress of the students on a rating system and list of the literature for usage.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармонида (06. 10. 97) "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги қайд этилган. Республика иқтисодиётининг малакали кадрларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда яратилган ушбу дастур бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг умумий қоидалари, тамойиллари ва уларни амалиётда қўллаш тўғрисида билимлар беради. Дастур Давлат таълим стандартлари талаблари асосида тузилган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Ўқув режасига мувофиқ бухгалтер ва аудитор мутахассисликлари "Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари" фанини ўрганади. Фанни ўрганишда талабалар Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар қўмитаси томонидан қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини назарий жиҳатдан ва миллий стандартларга мувофиқ меъёрий ҳужжатлар асосида ўрганади.

"Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари" фани корхоналарнинг мулкӣ ва молиявий фаолиятини ҳисобга олишда ўзининг усул ва услубиятига эга бўлиши билан биргаликда фаолиятини юритишда қуйидаги фанлар билан бевосита боғлиқлиги сабабли бу фанлар ҳам талабаларга режалаштирилишига қараб чуқур ўргатилади: "Иқтисодиёт назарияси", "Макроиқтисодиёт"; "Микроиқтисодиёт",

"Статистика", "Аудит", "Молиявий ҳисоб", "Бошқарув ҳисоби", "Бошқарув ва молиявий таҳлил", "Молия", "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Пул, кредит ва банклар", "Менежмент", "Маркетинг", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Суғурта иши", "Кичик бизнес ва тадбиркорлик" ва бошқалар.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

Мазкур мутахассисликда ўқийдиган талабалар бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини чуқур ўрганиши ҳамда етук мутахассис бўлиши учун қуйидаги талаблар қўйилади:

- бухгалтер, аудитор мутахассислигини эгалловчи талабалар халқаро ҳуқуқшунослик, давлат ва жамият қурилиши фанларини чуқур эгаллаган бўлиши;
- бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини ҳамда қонунларини мукамал ўрганиши;
- миллий ғурурга, юқори маданиятга эга бўлиши, ўзбек халқининг тарихини билиши;
- мутахассислик фани билан боғлиқ бўлган фанларни мукамал ўрганиши;
- фан ва техника ютуқларига қизиқувчан, ўзига нисбатан талабчан, ўрганаётган фанига, ўз ватанига фидойи бўлиши керак.

Ўқитиш жараёнида назарий билимлар билан амалий кўникмаларнинг узвийлигига эришиш, талабанинг илмга бўлган қизиқишини шакллантириш лозим.

Фанни ўқитишда компьютер, информация ва бошқа замонавий технологияларни қўллаш

Талабаларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

- талабаларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлаш;
- талаба ўз билимини ўзи баҳолайдиган шароитни яратиб бериш;
- талабаларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;
- иқтидорли талабалар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча дарслар ташкил қилиш ва ҳ.к.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари" фани талабаларга ўқув режаси бўйича VII-VIII семестрларда ўқитилади.

"Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари" фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Ўқув жараёнида талабаларнинг аудиторияда олган билимлари рейтинг усулида ўқитувчилар ҳамда белгиланган хайъат аъзолари томонидан баҳоланади.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза кейин амалий машғулот ўтказилади. Ўтилган мавзулар бўйича талабалар мустақил ўрганиши учун уй вазифалари берилади, уй вазифаларини бажарилганлиги даражаси рейтинг тизими асосида баҳоланади. Талабаларнинг олган билимларини аниқлашнинг оғзаки ва ёзма усуллари, тест синов усуллари қўлланилади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

"Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари" фанини ўрганиш бўйича ўқув режасида жами 60 соат белгиланган. Шундан: маъруза 30, амалий машғулот 30 соат. Маъруза ва амалий машғулот, мустақил таълим ўтилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотларининг намунавий мавзулари

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари фанига кириш. Умумий қондалар

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий қарорларни қабул қилиш. Турли давлатлардаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тамойилларининг фарқланиши, улардаги муаммолар. *Бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари (GAAP).*

Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш. Европа Директивалари. Халқаро бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва унинг тавсифи. Европа иқтисодий ҳамжамиятига кирувчи давлатлар счётлар режаси. Африка бирлиги ташкилотлари. Англосаксония бухгалтерия ҳисоби тизими. Молиявий ва бошқарув ҳисоби, улар ўртасидаги асосий фарқлар. Солиқлар ҳисоби. *Молиявий ҳисобнинг асосий тамойиллари.*

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш.

**Молиявий ҳисоботни тузиш бўйича тайёргарлик ишлари ўтказиш ва уни тақдим қилиш. Ўта кадрсизланувчи иқтисодий шароитда молиявий ҳисобот (БҲХС 29-сон).
Банклар ва шунга ўхшаш ташкилотлар молиявий ҳисоботларида ахборотларнинг акс эттирилиши (БҲХС 30-сон)**

Молиявий ҳисобот тўғрисида тушунча. Молиявий ҳисоботнинг вазифалари ва унинг сифат жиҳатдан тавсифи: тушунарлилик, ўз ўрнида ишлатилиши, моддийлик, ҳаққонийлик, таққосланувчанлик, тўлақонлик ва бетарафлик. *Молиявий ҳисоботнинг элементлари: активлар, пасивлар, капитал, мажбурият, даромад, фойда, харажат ва зарарлар.* Молиявий ҳисоб элементларини ўлчаш ва аниқлаш. Ҳисоб ечимлари: олдиндан кўра билиш, моҳият ва моддийлик.

Молиявий ҳисоботларни қайта кўриб чиқиш. Баланс. Даромад моддаси. Соф пул низоми бўйича фойда ёки зарар. Умумий баҳо индексларини танлаш. Ўта пул кадрсизланиши бўлмаган иқтисод.

Ҳисоб сиёсати. Натижалар счёти. Балансдан ташқари моддаларга дахлдор тасодифий ҳолат ва воқеалар. Активлар ва пасивларнинг ҳаракат муддатлари. Аванслар ва ссудалар бўйича зарарлар. *Асосий банк таваккалчиликлари.*

Ишончли жараёнлар. Шартномавий битим. Биргаликда назорат қилинувчи муомалалар. Корхонанинг умумлаштирилган молиявий ҳисоботларидаги биргаликда назорат қилинувчи корхоналарнинг даромадлари ҳақидаги ҳисобот. Тадбиркорнинг йиғма молиявий ҳисоботида мутаносиб жамғариш усулидан фойдаланиш. *Бош корхонанинг молиявий ҳисоботида қўшма корхоналар даромади ҳақида ҳисобот.*

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (БҲХС 8-сон). Баҳолар ўзгариши таъсири ҳақидаги ахборотлар (БҲХС 15-сон). Валюта курсларини ўзгаришини таъсирини ҳисоби (БҲХС 21-сон)

Пул маблағлари ва унинг эквивалентлари. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот: операцион фаолият, инвестицион фаолият, молиявий фаолият.

Ўзгараётган баҳоларнинг таъсирини акс эттирувчи ахборотларни молиявий ҳисобда акс эттирилиши. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш усуллари. Молиявий ахборотда ўзгарувчан баҳоларни акс эттиришни турли усулларидан фойдаланиш ва уларни молиявий ҳисоботда тақдим этилиши ва минимал акс эттиришлар.

Курсдаги фарқларни тан олиш. Чет эл валютасидаги муомалалар ҳисоби. Чет эл корхонасининг молиявий ҳисоботида маълумотларни бош компания ҳисоботига киритиш. Чет эл қарзлари билан суғурталанган нетто инвестициялар. Пул кадрсизланишининг юқори суръати таъсирида қолган компанияларнинг молиявий

ҳисоботини ўтказиш. *Чет эл компанияларида молиявий ҳисоботни ўтказиш усуллари.*

Заҳиралар (БҲҲС 2-сон). Қурилиш ишларига тузилган шартномалар ҳисоби (БҲҲС 11-сон). Асосий воситалар (БҲҲС 16-сон). Ижара шароитидаги ҳисоб (БҲҲС 17-сон)

Заҳираларнинг ҳақиқий таннарҳини аниқлашда фойдаланиладиган атамалар. Материалларни сотиб олиш билан боғлиқ устама харажатлар ва уларни ҳисобдан чиқариш. *Материалларни ҳисобдан чиқаришда қўлланиладиган баҳолаш усуллари: ФИФО, ўртача тортилган баҳо, ЛИФО, асосий заҳира, махсус аниқлашлар, навбатдаги кирим ва сўнгги харид баҳолар.*

Ҳақиқий таннарҳни аниқлаш. Соф сотиш қийматини аниқлаш.

Қурилиш шартномаларига тузилган шартномаларнинг турлари. Шартнома бўйича даромад ва харажатлар ҳисоби. Шартнома бўйича қолдиқлар ҳисобига қопланишни таъминлашни ташкил қилиш. Пудратчи фойдаланадиган ҳисоб усуллари. Қурилиш шартномаси учун фойдаланадиган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ва улардаги кўзланган зарарларни қоплаш. Қурилиш шартномасини бажаришда буюртмачидан олинadиган прогрессив тўловлар ва аванс ҳамда уларни молиявий ҳисоботда шартнома бўйича бажарилган иш ҳажмидан қилинган ажратмалар ёки мажбуриятлар сифатида акс эттирилиши.

Асосий воситаларни тан олиш ва уларнинг тушунчаси. Асосий воситаларни баҳолаш. Асосий воситаларни қайта баҳолаш. Амортизация. Фойдали муддатларни қайта кўриб чиқиш. Амортизация ҳисоблаш усулларини қайта кўриб чиқиш. Баланс қийматининг ўзгариши. Чиқиб кетиш ва сотиш.

Ижара тушунчаси ва унинг турлари. Молиявий ижара. Операцион ижара. Ижарага берувчи томонидан ижара бўйича тузиладиган ҳисобот. Ижара олувчи томонидан ижара муносабатларини акс эттириш.

Даромаддан солиқлар (БҲҲС 12-сон). Тушум (БҲҲС 18-сон)

Ҳисобот давридаги фойдадан солиқларга тегишли бўлган харажатлар ёки жамғарма ҳажмини белгилаш. Ҳисобот даромадининг таснифи. *Солиқ солинадиган даромад.* Тўланадиган солиқларни таъминлаш ҳамда вақтинчалик ва доимий фарқлар. *Солиқ тўлаш услуги.* Даромад солиқлари. Солиқ самараларини ҳисоблаш усуллари. Ажратилган солиқларнинг келиб тушиши. Солиқлар бўйича йўқотишлар. Даромад солиқларини молиявий ҳисоботда тақдим этиш.

Тушумларни баҳолаш. Харажатларни идентификациялаш. Товарларни сотиш. Хизматлар кўрсатиш. Фоизлар, лицензия тўловлари ва дивидендлар.

Инвестициялар ҳисоби (БҲХС 25-сон). Шўъба компанияларнинг инвестиция ҳисоби (БҲХС 27-сон). Шерик компанияларда инвестициялар ҳисоби (БҲХС 28-сон)

Инвестицияларнинг шакллари ва уларни туркумлаш. *Инвестицияларнинг қиймати ва иш ҳажми. Узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар.* Инвестицияларни баҳолаш. Инвестицияларни қимматли қоғозлар тўпламига киритиш. Даромад моддаси. *Ихтисослаштирилган инвестиция корхоналари.* Солиқлар моҳиятини акс эттириш.

Йиғма молиявий ҳисоботлар ҳажми. Йиғилиш жараёнлари. "Ота-онанинг" алоҳида молиявий ҳисоботларида шўъба компанияларида инвестициялар ҳисоби. *Жамлама молиявий ҳисоботлар ҳажми.* Жамланиш жараёнлари. Инвестициялар ҳисоби моҳиятини акс эттириш.

Йиғма молиявий ҳисоботларда ҳисоб услубини танлаш. *Алоҳида молиявий ҳисоботларда ҳисоб услубини танлаш.* Мулкий услубни қўллаш. Даромад солиғи. Тасодифий ҳолатлар. Моҳиятининг акс эттирилиши. Алоҳида молиявий ҳисоботлар.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР ДАРСЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

"Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари" фанига кириш. Умумий қоидалар

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ҳақида тушунча.* Бухгалтерия ҳисобининг халқаро (GAAP) ва миллий стандартлари.

Европа Иттифоқининг Директивалари.*

Халқаро бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва унинг тавсифи.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби, улар ўртасидаги асосий фарқлар. Солиқ ҳисоби.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш.

Молиявий ҳисоботни тузиш бўйича тайёргарлик ишлари ўтказиш ва уни тақдим қилиш. Ўта кадрсизланувчи иқтисодий шароитда молиявий ҳисобот (БҲХС 29-сон).

Банклар ва шунга ўхшаш ташкилотлар молиявий ҳисоботларида ахборотларнинг акс эттирилиши (БҲХС 30-сон)

Молиявий ҳисоботнинг вазифалари ва унинг сифат жиҳатдан тавсифи: тушунарлилик, ўз ўрнида ишлатилиши., моддийлик, ҳаққонийлик, таққосланувчанлик, тўлақонлик ва бетарфлик. Молиявий ҳисоботнинг элементлари: активлар, пасивлар, капитал, мажбурият, даромад, фойда, харажат ва заралар.

Молиявий ҳисоботларни қайта кўриб чиқиш. Ўта пул кадрсизланиши бўлмаган иқтисод.

Ҳисоб сиёсати.* Аванслар ва ссудалар бўйича зарарлар. Асосий банк таваккалчиликлари.

Ишончли жараёнлар. Корхонанинг йиғма молиявий ҳисоботларидаги биргаликда назорат қилинувчи корхоналарнинг даромадлари ҳақидаги ҳисобот.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (БҲХС 8-сон). Баҳолар ўзгариши таъсири ҳақидаги ахборотлар (БҲХС 15-сон). Валюта курсларини ўзгаришини таъсири ҳисоби (БҲХС 21-сон)

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот: операцион фаолият, инвестицион фаолият, молиявий фаолият.*

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш усуллари. Молиявий ахборотда ўзгарувчан баҳоларни акс эттиришни турли усулларида фойдаланиш.

Чет эл валютасидаги муомалалар ҳисоби.* Чет эл қарзлари билан суғурталанган нетто инвестициялар. Пул кадрсизланишининг юқори суръати таъсирида қолган компанияларнинг молиявий ҳисоботини ўтказиш.

Захиралар (БҲХС 2-сон). Қурилиш ишларига тузилган шартномалар ҳисоби (БҲХС 11-сон). Асосий воситалар (БҲХС 16-сон). Ижара шароитидаги ҳисоб (БҲХС 17-сон)

Захираларнинг ҳақиқий таннархини аниқлашда фойдаланиладиган атамалар.* ФИФО, ўртача тортилган баҳо, ЛИФО, асосий захира, махсус аниқлашлар, навбатдаги кирим ва сўнгги харид баҳолар.

Ҳақиқий таннархни аниқлаш.* Соф сотиш қийматини аниқлаш.

Қурилиш ишларига тузилган шартномаларнинг турлари.* Пудратчи фойдаланадиган ҳисоб усуллари. Қурилиш шартномасини бажаришда буюртмачидан олинадиган прогрессив тўловлар ва аванс ҳамда уларни молиявий ҳисоботда шартнома бўйича бажарилган иш ҳажмидан қилинган ажратмалар ёки мажбуриятлар сифатида акс эттирилиши.

Асосий воситаларни тан олиш ва улар тушунчаси. Асосий воситаларни баҳолаш.* Амортизация ҳисоблаш усуллари қайта кўриб чиқиш.

Ижара тушунчаси ва унинг турлари.* Молиявий ижара. Операцион ижара.

Даромадан солиқлар (БҲХС 12-сон). Тушум (БҲХС 18-сон)

Ҳисобот даромадининг таснифи. Солиқ солинадиган даромад.* Даромад солиқлари. Даромад солиқларини молиявий ҳисоботда тақдим этиш.

Тушумларни баҳолаш. Фоизлар, лицензия тўловлари ва дивидендлар.

Инвестициялар ҳисоби (БҲХС 25-сон). Шўъба компанияларнинг инвестиция ҳисоби (БҲХС 27-сон). Шерик компанияларда инвестициялар ҳисоби (БҲХС 28-сон)

Инвестицияларнинг қиймати ва иш ҳажми. Инвестицияларни баҳолаш. Ихтисослаштирилган инвестиция корхоналари. Солиқлар моҳиятини акс эттириш.

Йиғма молиявий ҳисоботлар ҳажми. йиғилиш жараёнлари. Жамлама молиявий ҳисоботларнинг ҳажми. Инвестициялар ҳисоби моҳиятини акс эттириш.

Инвестицияларни алоҳида молиявий ҳисоботларида ҳисоб услубини танлаш. Алоҳида молиявий ҳисоботлар.

**4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-
НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА
ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

Фанни ўрганишда талабалар амалий ёрдам тариқасида қўлланиладиган турли хил шакл, чизмалар, слайдалар билан таъминланади. Унда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари тизими; Заҳиралар, инвестициялар ва асосий воситаларни баҳолаш; Даромаддан олинadиган солиқ усуллари; Ҳисоботларни тузиш тартиби; Молиявий ҳисобот тамойиллари ўрганилади.

Талабалар бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари фанини ўрганишда ахборот воситаларидан яъни интернет тизимидаги қуйидаги сайт ва электрон почталардан кенг фойдаланади:

1. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board);
2. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office);
3. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom);
4. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee);
5. <http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants);
6. <http://www.uza.uz> (Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлигининг турли соҳаларга доир кундалик янгиликлари);
7. <http://www.uzreport.com> (Кундалик бизнес янгиликлари);
8. <http://www.referat.ru> (Рефератлар тўплами).

Шунингдек, интернетдан фойдаланиш ресурслари бўйича ТМИ ва ТДИУ кутубхонасидан фойдаланиши мумкин.

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси, Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, ЮСАИД АҚШ агентлиги "КАРАНА" ҳамда "ПРАГМА" корпорациялари ва

Тошкент Молия Институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мултимедик иловалардан фойдаланиш тавсия этилади.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Ушбу фан бўйича ўқув режасида жами 60 соат дарс ўтиш режалаштирилган бўлиб, шундан 30 соат маъруза, 30 соат амалий ва семинар дарслар. Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш қуйидаги турлар орқали амалга оширилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. Жорий баҳолаш ўқув семестри давомида 2 марта, оралиқ баҳолаш эса бир марта ўтказилади.

"Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари" фанидан талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 60 га тенг. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириши;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- илмий тезислар тайёрлаши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмали курулларни тайёрлаши.

Таянч тушунчаларига асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича намунавий Низом" билан белгиланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Адолат, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. 1996 йил 12 сентябрь, "Халқ сўзи" газетаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом" 1999 йил 5 февраль.

4. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. Таржима. / А. Ризақулов, Б.Ҳасанов, А.Усанов, З.Маматов/ Тошкент - 1993.
5. Международные стандарты финансовой отчетности (официальный перевод) 1998. / International Accounting Standarts.
6. Качалин В.В. Финансовый учет и отчетность в соответствии со стандартами ГААР. - М.: Дело, 1998.
7. Молиявий ҳисоб, - Т.: КАРАНА ва ПРАГМА корпорациялари, 2000-2001.
8. Соловьева О.В. Зарубежные стандарты учета и отчетности; Учеб. пособие. - М.: Атлантика-Пресс, 1998.
9. Янги счётлар режаси, (21-сон БХМС). Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, Тошкент - 2002.
10. Юлдашев С., Хошимов Б., Мухаммад Салим. Основы бухгалтерского учета, Т.Д.И.У - 1997.
11. Чая. В.Т и Чая. Г.В. Международные стандарты финансовой отчетности. - М.: "Ульяновский Дом печати", 2000.
12. International Accounting Standarts, 1998. (International Accounting Standarts Committee, London).

Қўшимча адабиётлар

1. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д, Принципы бухгалтерского учета, (под. Ред. В. Соколова). - М.: ФиС, 1994.
2. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002.
3. Вуд Ф. Бухгалтерский учет для предпринимателей. М.О. Аскери. - М.: ФиС, 1993.
4. Ибрагимов А., Каримов А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби, - Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Панков Д. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. - Мн: Экоперспектива, 1998.
6. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности. - М.: УРСС, 2001.
7. Сотиволдиев А., Иткин Ю, Бухгалтерия ҳисоби. - Т.: ПБва АА-2002.
8. Гуломова Ф. Самоучитель по бухгалтерскому учету. - Т.: Мир экономики и права, 2000.
9. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions, 1996.

10. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
11. Securities Regulation in the United States. NASD. Washington-2000.
12. The Istanbul Stock Exchange In a Historical Perspective. Written by Prof. Haydar Kazgan / published by ISE.- Istanbul-1999.
13. The Work Of SEC. U.S. Securities and Exchange Commission.-1999.
14. Cost accounting (a managerial emphasis) / USA. Mexico. Or Canada. 2001.
15. Financial accounting / USA. Mexico. Or Canada. 2001.